



ARTICLE INFO

Received: 01st October 2022

Accepted: 10th October 2022

Online: 17th October 2022

KEY WORDS

оят, вожиб, ғофил, "Нисо",
"Анъом", "Анкабут", "Аҳқоф",
ҳадис, гуноҳи кабира,
Конституция, модда,
умумбашарий.

Бу асарнинг номидан маълумки Бухорий уни ота-онага яхшилик қилиш, фарзанднинг ота-она олдидаги бурчларини ёритиб беришни асосий мақсад қилган. Чунки ислом динида ота-онага яхшилик қилиш, ҳурматларини бажо келтириш ва уларга олий даражада иззат-икром кўрсатишга тарғиб қилинади, диний қадрият сифатида улуғланади. Ота-она ҳурмати ислом динининг энг асосий манбалари бўлмиш Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда ўз аксини топган.

Жумладан, Аллоҳ таоло Исро сурасида марҳамат қилади:

{وَقَضَىٰ رَبُّكَ أَلَّا تَعْبُدُوا إِلَّا إِيَّاهُ وَبِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَانًا ۖ إِنَّمَا يُبَلِّغُنَّ
عِنْدَكَ الْكِبَرَ ۖ أَحَدُهُمَا أَوْ كِلَاهُمَا فَلَا تَقُلْ لَهُمَا أَفْ وَ لَا تَنْهَرْهُمَا
وَقُلْ لَهُمَا قَوْلًا كَرِيمًا * وَأَخْفِضْ لَهُمَا جَنَاحَ الذَّلِيلِ مِنَ الرَّحْمَةِ
وَقُلْ رَبِّ ارْحَمْهُمَا كَمَا رَبَّيَانِي صَغِيرًا}

«Парвардигорингиз, ёлғиз Унинг Ўзига ибодат қилишларингизни

МУҲАММАД ИБН ИСМОИЛ АЛ-БУХОРИЙНИНГ “БИРРУЛ ВОЛИДАЙН” АСАРИДА ОТА-ОНАГА ЯХШИЛИК ҚИЛИШГА БЎЛГАН ТАРҒИБ

Қодиров Абдивали Усмонқулович

ТошДШУ 2 курс магистранти,

Тошкент ислом институти услубчиси,

+998 91 135 00 69

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7214001>

ABSTRACT

Бу мақолада ота-онага яхшилик қилиш борасида сўз юритилган бўлиб, айти шу мавзуда ёзилган Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг “Биррул Волидайн” асаридаги ҳадислар ва унинг аҳамияти қичқача ёритилган. Қолаверса қонунчилигимизда ҳам бунга катта эътибор берилганлиги ҳақида сўз юритилади.

ҳамда ота-онага яхшилик қилишларингизни амр этди. Агар уларнинг (ота-онангизнинг) бирови ёки ҳар иккиси сенинг қўл остингда кексалик ёшига етсалар, уларга қараб «уф» тортма ва уларнинг (сўзларини) қайтарма! Уларга доимо яхши сўз айт! Улар учун, меҳрибонлик билан, хорлик қанотини паст тут – хокисор бўл ва: «Парвардигорим, мени (улар) гўдаклик чоғимдан тарбиялаб-ўстирганларидек, сен ҳам уларга раҳм-шафқат қилгин», деб (ҳақларига дуо қил)!».¹

Ушбу икки оятда ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабат хусусида сўз боради. Аввало, Исро барча мўмин-мусулмон фарзандлар учун ота-онага яхшиликни ёлғиз Аллоҳ таолога ибодатдан кейинги иккинчи вазифа қилиб қўяди. Бу таълимотга биноан, ота-

¹ Исро сураси 23-24-оятлар. Таржима ва изоҳ муаллифи: Шайх Аловуддин Мансур. Қуръони Азим таржимаси. – Тошкент, 2019. – 628 б.



она мўминми, кофирми, яхшими-ёмонми, барибир фарзанд уларга нисбатан ҳурмат сақлаши, сўзларини қайтармаслиги ва ҳақларига яхши дуолар қилиши вожибдир. Лекин мана шу ояти каримада зикр қилинган дуода жуда ҳам зарур бир нуқта борки, биз ундан ғофил бўлмаслигимиз лозим. Ота-оналик ҳуқуқини қозониш учун бола туғишнинг ўзи кифоя қилмай, балки уларга таълим-тарбия бериш ҳам муҳим шартлардан экан.²

Яна, Аллоҳ таоло Луқмон сурасида марҳамат қилади:

{وَوَصَّيْنَا الْإِنْسَانَ بِوَالِدَيْهِ حَمَلَتْهُ أُمُّهُ وَهْنًا عَلَى وَهْنٍ وَفَصَّالَهُ فِي سَامِيْنٍ أَنْ اشْكُرْ لِي وَلِوَالِدَيْكَ إِلَيَّ الْمَصِيرُ* وَإِنْ جَاهَدَاكَ عَلَى أَنْ تُشْرِكَ بِي مَا لَيْسَ لَكَ بِهِ عِلْمٌ فَلَا تُطِعْهُمَا وَصَاحِبُهُمَا فِي الدُّنْيَا مَعْرُوفًاۖ وَاتَّبِعْ سَبِيلَ مَنْ أَنَابَ إِلَيَّ ثُمَّ إِلَيَّ فَأَتَّبِكُمْ بِمَا كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ}

«Биз инсонга ота-онасини (яъни, уларга яхшилик қилишни) амр этдик. Онаси унга ожизлик устига ожизлик билан ҳомиладор бўлди (яъни, қорнидаги ҳомила каттарган сари онанинг ҳоли қуриб, заифлаша борур) уни (кўкракдан) ажратиш (муддати) икки йилда (келур). (Биз инсонга буюрдикки), «Сен Менга ва ота-онангга шукр қилгин! Ёлғиз Ўзимга қайтажаксан!».

«Агар улар (яъни, ота-онанг) сени ўзинг билмаган нарсаларни Менга шерик қилишга зўрласалар, у ҳолда уларга итоат этма! Уларга (гарчи кофир бўлсалар-да), дунёда яхши

муомалада бўлгин ва ўзинг менга ижобат-тавба қилган кишиларнинг йўлига эргашгин! Сўнгра (яъни, Қиёмат Кунда) Ўзимга қайтурсизлар, бас, мен сизларга қилиб ўтган амалларингизнинг хабарини берурман».³

Бундан ташқари, “Нисо” сураси 36-ояти, “Анъом” сураси 151-ояти, “Анкабут” сураси 8-ояти, “Аҳқоф” сураси 15-ояти ҳам айнан ота-она ҳурматида бағишланган бўлиб, уларда ота-онага яхшилик қилиш ибодат даражасига кўтарилган.

Энг ишончли олти ҳадис тўпلام соҳиблари ҳам ўзларининг асарларида ота-онага яхшилик қилишга доир ҳадисларни жамлаган алоҳида боб келтирганлар. Улардан “Саҳихул Бухорий”да 11 та⁴, “Саҳихи Муслим”да 13 та⁵, “Сунани Абу Довуд”да 9 та⁶, “Сунани Термизий”да 10 та⁷, “Сунани Ибн Можа”да 8 та⁸ айнан ота-онага яхшилик қилишга тарғиб қилувчи ҳадислар ривоят қилинган.

Имом Бухорий “Биррул волидайн” асарининг 13-чи рақамли ҳадис ривоятида бир киши Расулulloҳ (с.а.в.)дан: “Жиход қилайми?” деб сўрайди. Расулulloҳ (с.а.в.) ундан ота-онаси бор-йўқлигини суриштирган. У борлигини айтганида, “Ота-онангга хизмат қил, бу сенинг жиҳодингдир!”, деб марҳамат қилган.⁹ Мазкур ҳадис

²Таржима ва изоҳ муаллифи: Шайх Аловуддин Мансур. Қуръони Азим таржимаси. – Тошкент, 2019. – 628 б.

³ Луқмон сураси 14-15-оятлар Таржимон: Шайх Аловуддин Мансур. Қуръони Азим таржимаси. – Тошкент, 2019. – 628 б.

⁴ “Ал-Жомеъус саҳиҳ”: 78-китоб, “Китабул адаб”: 1-8-боблар.

⁵ “Саҳихи Муслим”: 45-китоб, “Китаб ал-бирр васила вал-адаб”: 1-4-боблар.

⁶ “Сунани Абу Довуд”: 35-китоб, “Китабул адаб”: 131-боб.

⁷ “Сунани Термизий”: 28-китоб, “Китаб ал-бирр васила”: 1-8-боблар.

⁸ “Сунани Ибн Можа”: 33-китоб, “Китабул адаб”: 1-2-боблар.

⁹ “Жиход” сўзи луғатда “бор имкониятини сарф қилиш”, “бор-будини ишга солиш” деган маъноларни билдиради. Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг бу сўзлари «Бор



Имом Бухорийнинг шоҳ асари “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”да 5972-рақам билан келтирилган саҳиҳ ҳадис ҳисобланади. 14-чи ҳадисида эса бир кимса Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурига келиб, ҳижрат қилишга чоғланаётганини ва бунга ота-онаси кўнмай, йиғлаб қолганини ҳам айтади. Шунда, Расулуллоҳ (с.а.в.): “Орқангга қайт, ота-онангнинг ҳузурига бор. Уларни йиғлатганинг каби хурсанд қилиб, кулдиргин!”, деб кўрсатма берлар. Мазкур ҳадис Имом Бухорийнинг яна бир машҳур асари “Ал-Адаб ал-муфрад”да 13-рақам билан келтирилган. Бу хилдаги ҳадис ва ривоятлар бугунги авлодни баркамол қилиб тарбиялашда, уларнинг жиҳод ёки ҳижрат каби исломий тушунчаларни тўғри талқин қилишларининг олдини олишда жуда муҳим аҳамият касб этади.

Ота-онага яхшилик қилиш нафақат диний мажбурият балки, ўзбек халқининг азалий урф-одатларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси мустақилликдан сўнг қабул қилган миллий Конституциянинг 66-моддасида айтилади-ки, **“Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар”**.¹⁰ Бу – анъаналарни асрашга ва ота-онага яхшилик қилиш мавзусининг қанчалик аҳамиятга молик вазифа эканлигига далолат қилади.

имкониятининг ота-онани рози қилишга қарат», деган маънони билдиради. Олтин силсила: 7-жуз: Саҳиҳул Бухорий – Тошкент.: Hilol-Nashr, 2018. – 403 Б.

¹⁰ www.Lex.uz

¹¹ “Оқ бўлмоқ” ибораси арабча عقوق сўзидан олинган. У луғатда “қулоқ осмаслик”, “бўйсунмаслик” маъноларини билдиради. Ҳасан Басрий: «Оқ бўлиш – икковини ташлаб қўйишинг ва маҳрум қилишингдир», деганлар. Шайх Муҳаммад Содиқ

Конституцияга шу мазмундаги модданинг киритилиши дунё ҳамжамиятида кам учрайдиган нодир ҳолатлардан ҳисобланади. Ушбу модданинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг барчаси миллати, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар. Бундан келиб чиқадики, Ўзбекистон фуқароси бўлган ҳар-бир миллат ва дин вакили ўз ота-онасига ғамхўрлик қилишга мажбурдир. Бу – умумбашарий қадриятнинг Конституцияда қайд қилинишининг олий кўринишидир.

Уламолар киши ота-онасидан бирига хатто “уф” тортса ҳам уларга оқ бўлади,¹¹ дейишади. Ота-онага оқ бўлиш эса гуноҳи кабиралардандир.¹² Агар алоҳида тавба бўлмаса, бу охиратда азобга сабаб бўлади. Энди киши ота-онасига ғамхўрлик қилмаса, уларни жеркиса, дилларига озор берса, у инсонга жазо мана шу ҳаётда ҳам берилиши аниқ. Хатто, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 47/5-моддаси ва Жиноят кодексининг 123-моддасига кўра вояга етган шахслар меҳнатга лаёқатсиз ва моддий ёрдамга муҳтож бўлган ота-онани ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни моддий таъминлашдан

Муҳаммад Юсуф. Одоблар хазинаси: 1-жуз. - Т.: «Hilol-Nashr», 2017. – 85 Б.

¹² Абдулрахмон ибн Абу Бакра отасидан ривоят қилади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уч марта: «Сизларга кабираларнинг энг улкани хабарини берайми?» дедилар.

«Ҳа, эй Аллоҳнинг Расули!» дейишди.

«Аллоҳга ширк келтириш. Ота-онага оқ бўлиш» дедилар». Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Одоблар хазинаси. - Т.: «Hilol-Nashr», 2017. – 15-ҳадис. 83 Б.



бўйин товласалар жавобгарликка тортиладилар.¹³

Демак, ота-она хизмати инсонни бу дунёда ҳам охиратда ҳам тинч, хотиржам ва бахтли қилади. “Биррул волидайн” асарининг аҳамияти шунда. Ундаги ҳадисларни тадқиқ ва таҳлил қилиб халқимизга етказиб берилса, бу улуғ хизматдан Имом Бухорий ҳам Расулуллоҳ (с.а.в) ҳам Аллоҳ ҳам рози бўлади. Чунки Аллоҳнинг буйруғи, Расулуллоҳ (с.а.в)нинг кўрсатмалари ва Имом Бухорийнинг истаклари инсонлар иймон-инсофли, меҳр-шафқатли, олийҳиммат ва инсонпарвар бўлишларидир.

Бугунги кунда аждодлардан қолган маънавий меросни ўрганиш ва халққа етказиб беришга ҳеч қандай таъқиқлар қўйилмаган. Мана шу имкониятдан унумли фойдаланиб, шу вақтга қадар ўзбек тилида ўрганилмаган илмий, диний, тарихий ва жуғрофий манбаларга эътибор қаратиш лозим. Бу борада Имом Бухорийнинг “Биррул волидайн” асари ўзбек тилида батафсил тадқиқ қилинган эмас. Ота-она ҳурматида оид асарларни ўрганиш, уларни ўзбек тилида нашр қилиш ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашда жуда муҳим аҳамият касб этади. Демак, Имом Бухорийнинг “Биррул волидайн” асарини ўрганиш долзарб вазифалардан биридир.

References:

1. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Яхшилик ва силаи раҳм: 1-жуз, - Т.: «Nilol-Nashr», 2019. – 230 б.
2. Жалолiddин Хамроқулов. Тайсиру мусталаҳул ҳадис. – Тошкент, 2004.
3. “Ан-Наим ул-кабир” арабча-ўзбекча луғат. – Наманган. “Наманган” нашриёти, 2018. – 805 б.
4. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Биррул волидайн/ Таҳқиқ ва таълиқ: Абу Яъқуб Азҳарий. – Қоҳира.: Мактабатул Имамил Бухорий, 2014. – 96 б.
5. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Биррул волидайн/ Иная ва таҳриж: Бассом ибн Абдулкарим Ҳамзовий. – Тунжа, Мағриб.: Ал-Мактабатул Каттонийя, 2014.
6. Абул Ҳасан Муслим ибн Ҳажжож Найсабурий. Саҳиҳи Муслим. – Ар-Риёд.: Дорут тоййиба, 2006.
7. Заҳабий. Сияр аъломун нубало. – Байрут.: Дорул фикр, 1997.
8. Хатиб Бағдодий. Тарихи Бағдод. – Байрут.: Дорул кутубил илмийя.
9. Аҳмад ибн Ҳажар Асқалоний. Ал-Мўъжамул муфаҳхис. – Байрут.: Муассасатур рисала, 1998.
10. Аҳмад ибн Ҳажар Асқалоний. Фатҳул Борий шарҳу Саҳиҳил Бухорий. – Қоҳира.: Дорул райяни лит турос, 1986.
11. Хофиз Шамсиддин Саховий. Ал-Қовлул бадиъу.
12. Рувданий. Силатул холаф бимаъсулис салаф

¹³ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 109-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 47/5-моддаси, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 123-моддаси.

(123-модда Ўзбекистон Республикасининг 2018-йил 9-январдаги ЎРҚ-459-сонли Қонуни таҳририда – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон).



13. Сиддиқ Ҳасанхон. Ал-Хитто фи зикрис сиҳоҳис ситта. – Байрут.: Дорул кутубил илмийя.